# КЎСАКЛАР САЛМОҚДОР, ҲОСИЛ МЎЛ БЎЛСИН!

**БУНИНГ УЧУН:** *парваришни бўшаштирманг* ✻ *Ғўзани сувга қондиринг* ✻ *Чеканкани сифатли ўтказинг* ✻ ҲАШАРОТ ВА БЕГОНА ЎТНИ ҚИРИБ ТАШЛАНГ!

*БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ. МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 149 (2697). | Жума, 31 июль 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.

## ЮБИЛЕЙГА МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИ

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Келес» совхозининг азамат чорвадорлари кеча катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Совхоз давлатга сут сотиш йиллик планини шараф билан адо этди. Чорвадорлар она-Ватанга бутун ўтган йилда топширилгандагидан 1100 центнер кўп сут етказиб бердилар. Бир центнер сутнинг таннархи амалда ўтган йилдагига нисбатан 8 сўм 22 тийинга камайди.

Совхознинг илғор сут соғувчилари Моҳия Иноғомова, Мактуба Қодирова, Мактуба Набиева, Евдокия Сизунова, Фриде Варг ва Тугал Юсуповаларнинг ҳар бири ўзларига бириктирилган ҳар бош соғин сигирдан 1500 — 1800 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олдилар. Чорвадорлар республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик юбилейи кунигача давлатга қўшимча равишда яна қарийб 70 тонна сут сотиш мажбуриятини олдилар.

* * *

*Куни-кеча Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги икки колхоз чорвадорлари давлатга гўшт сотиш йиллик планини ортиғи билан бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар. Бошқармадаги машъал Карл Маркс номли колхоз чорвадорлари давлатга йиллик пландаги 800 центнер ўрнига 863 центнер семиз гўшт сотиб, жонажон диёримизнинг 40 йиллик тўйига ажойиб тўёна ҳозирладилар.*

*Генерал Собир Раҳимов номли колхоз азаматлари эса 702 центнер гўшт сотишди.*

Ж. САЪДУЛЛАЕВ.

Оққўрғон бошқармаси пахтазорларида меҳнат тобора қизғин тус олмоқда. Колхозчилар, совхоз ишчилари мўл ҳосил иштиёқида ҳар туп ғўзани авайлаб ўстириб гул ва кўсакларни кўпайтирмоқдалар. Суратларда: (чапдан) 1. «ЎзССР беш йиллиги» совхози 2-бўлимининг бригадири (ўнгдан) Нуряз Курязов ва звено бошлиғи Маъмур Бўстонов ўртоқлар чеканка машинаси ишини кўздан кечирмоқдалар. 2. «Москва» колхозининг қирқ центнерчи звено бошлиғи ўртоқ Мамад Намозов (ўнгдан) ва колхозчи ўртоқ Одил Алимов ўртоқлар навбатдаги ишлар ҳақида маслаҳатлашмоқдалар.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотолари.





## ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

**ЯНГИЙУЛ.** Шу кеча-кундузда «Қизил Октябрь» колхозининг пахтакорлари «Ҳар гектар ердан 32 центнердан хирмон кўтарамиз» деган ваъдаларининг устидан чиқиш учун ғайрат ва ҳимматларини сира аямай астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ҳозиргача барча экин майдонлари уч марта комплекс ишловдан чиқарилди. Пайкалларни учинчи бор суғориш қизғин давом этяпти. Бу ишда сувчилардан Ж. Сайдалиев, Т. Ашуров, М. Сулаймонов ва Р. Сотиболдиев ўртоқларнинг хизмати катта.

Т. ЭРМАТОВ.

**ОҚҚЎРҒОН.** Ўртоқ У. Жумақулов бошлиқ звено деҳқонлари Калинин номли колхозда илғорликни қўлдан бермаётирлар. Улар ўстираётган ҳар туп ғўзада 6—7 тадан кўсак, 17—18 тадан шона ва гул санаш мумкин. Звено азаматларининг мақсади ҳар гектар ердан 35 центнердан пахта етиштириш, ҳар центнер ҳосилнинг таннархини 10 сўмга туширишдир.

С. ЧЕГАБОЕВ.

**ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ.** Бошқармадаги Свердлов номли колхознинг ўртоқ Бегали Стамқулов бошчилик қилаётган бригадасида ғўза парвариши кўнгилдагидай боряпти. 154 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтариш учун курашаётган бригада пахтакорлари ҳозир ҳар туп ғўзада кўпроқ гул ва кўсак тўплашга, машина теримига пухта ҳозирлик кўришга алоҳида аҳамият бермоқдалар. Механизаторлардан Николай Ким ва Андрей Ким ўртоқлар моҳирлик билан ишлаб, кунига 10—11 гектарлик пайкални культивациядан чиқаришга муваффақ бўлмоқдалар.

Э. ИСҲОҚОВ.

**ЎРТА ЧИРЧИҚ.** Киров номли совхознинг 1-бўлими пахтакорлари бу йил 2200 гектар ерда «оқ олтин» етиштиришмоқда. Бўлимнинг илғор бригадаларида ҳозир ўзаро социалистик мусобақа тобора авж олдирилмоқда. Айниқса ўртоқ Ғайбулла Анорқулов бошлиқ бригада деҳқонлари мўл ҳосил тўплаш ишида бошқаларга ўрнак бўлишяпти. Бунда кунлик нормасини бир ярим-икки ҳисса бажараётган сувчилардан М. Дуйшанбоев, Н. Бўрибоев ва А. Йўлдошев ўртоқларнинг ҳиссаси каттадир.

Р. АНОРБОЕВ.

# ДАВР—МЕХАНИЗАТОР ДАВРИ

Қайси бир деҳқон билан суҳбатлашманг, улардан илиқ гапларни эшитасиз: механизатор — пахта даласининг ҳақиқий хўжайини. Улар зарбдор фронт жангчилари. Ҳақиқатан ҳам ер ҳайдашдан тортиб, ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган асосий ишлар механизация билан бажарилаётган, техника деҳқонга қанот, унинг ҳар бир ишида мадад бўлган ҳозирги пайтда механизатор ҳал қилувчи роль ўйнайди. Кимки, механизатор билан дўст, ака-ука тутинса, бир бурда нонини у билан баҳам кўрса, у албатта кўзлаган мақсадига эришади.

Колхоз ва совхозларда кўплаб тузилган механизаторлар бошлиқ тюпкочи звеноларнинг иши шуни кўрсатиб турибди. Сиз механизатор бошлиқ звенонинг даласида бўлинг. У ердаги саранжом-саришталикни кўриб қойил қоласиз. Кўчатлар ипга тизилгандек бир текис, гектарлар тўла. ғўза тупларида мўл ҳосил тўпланмоқда, Бунинг сири нимада? Энг муҳими шуки, механизаторга тўла ишонч билдирилган. Ҳосилнинг тақдири унинг қўлига топшириб қўйилган. Механизатор қанчалик тер тўкиб ҳалоллик билан меҳнат қилса, ажратилган маблағларни тежаб-тергаб иқтисод қилса, қанчалик баракали хирмон кўтарса, оладиган даромади шунчалик мўл бўлишини олдиндан билиб туради. Шунинг учун ҳам у агротехниканинг ҳар бир тадбирини ўрнига қўйиб бажариш учун жон куйдиради, ортиқча харажатга йўл қўймайди. Сон учун эмас—сифат учун курашади.

Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги колхоз ва совхозлардаги механизаторлар — тюпкочи звено бошлиқларининг бўлиб ўтган кенгашида бу ҳақда жуда кўп ибратли гаплар бўлди. Минбарга бирин-кетин кўтарилган механизаторлар зўр ҳаяжон билан сўзлаб, ҳосил тақдири учун қандай қайғираётганликларини ҳикоя қилиб тажриба алмашдилар. Қайси бирларининг гапларини келтирсак экан? Уларнинг ҳаммаси ҳам бир-биридан чиройли ва маъқул гапларни айтишди. Уларнинг ҳар бири ҳам ўртача 30—40 гектар ерда пахта етиштиряпти. Гектаридан 35—40 центнер учун кураш олиб боряпти. Механизациялашган звенолар қишлоқ хўжалиги ривожининг асоси, пахта етиштиришни кўпайтиришнинг энг тўғри йўли, бизларга ишонч билдириб ҳосил тақдирини қўлимизга топшириб қўйганликларингиз учун, минг-минг раҳмат деб айтишди улар.

Мана уларнинг ҳаяжонли сўзларидан баъзиларини келтирамиз.

**А. БОЙЗОҚОВ:**
**(Свердлов номли колхоздан)**

Мен бир вақтлари бир ярим мингинчи универсалчи бўлганман. Бу пайтда кунига 20—25 гектар ердаги ғўзани культивация қилардим. Сифат билан ишим бўлмасди. Кечқуруи иш тамом бўлгандан кейин бригадир ишлар қандай бўлди деб ўзимдан сўрарди. Ёмон эмас, шунча гектарни қўлдан чиқариб қўйдик деб жавоб берардим. Баракалла, дерди бригадир елкамга қоқиб, нормани икки ҳисса ўринлабсан. Дарҳол табелчига буюрарди, у тайёрлаган справкага қўл қўйгач чўнтакка солиб МТСга жўнардим. Ахир у маҳалда бизнинг қанча гектар майдонга ишлов берганимизга қараб ҳақ берарди-да.

Ҳозир эса аҳвол тамоман бошқача. Мана мен тюпкочи звено бошлиғиман. Мени мажбур қилишса ҳам бир кунда 7—8 гектардан ортиқ культивация қилмайман. Чунки ҳосилнинг тақдиридан ҳар биримиз манфаатдормиз-да. Шунинг учун сон кетидан қувилмайди. Эгат охирига етгандан кейин трактордан бундоқ ерга тушиб қараб қўяман. Культиватор органларига хас-чўп илинмадими, ғўзага, ҳосил тугунчаларига шикаст етмадими. Шундан кейин кўнгил тинчигач яна ишни давом эттираман.

**О. АКИПОВ:**
**(«Ленин йўли» колхозидан)**

Ҳамкасб дўстларим, тер тўкиб қилган меҳнатимиз меваси кўзга ташланиб қолди. Лекин айрим жойларда роса меҳнат қилишади-да, август ойи келгандан кейин ғўзамиз бўлиқ, гул ва кўсаклари етарли деб унинг кўкига маҳлиё бўлиб ишни бўшаштириб юборишади. Бу билан улар ҳосилнинг бир қисмини бой беришади. Ҳақиқий деҳқон бундай қилиши керак эмас. Биз августда ҳам зўр бериб меҳнат қилсак ана шунда мўлжалдаги ҳосилни оламиз. Шуни унутмаслик керакки, ҳозирги шона 10—15 октябрда лўппи-лўппи пахта бўлиб очилади.

Биз ҳозир худди шу мақсадда иш юритмоқдамиз. Дала шийпонида тунаймиз. Ҳамма нарса муҳайё. Кечқурунлари шахмат-шашка ўйнаймиз. Коллектив бўлиб кинога тушамиз. Шундан кейин яна дала шийпонига қайтиб келамиз. Ахир шундай қилмасак ҳам бўлмайди-да. Ҳозир ҳосил тўплашда ҳар кун, ҳар соат ғанимат.

**Т. АШУРОВ:**
**(«Коммунизм» колхозидан)**

Мен звено бошлиғи бўламан деганимда баъзилар рози бўлмай: Нима қиласан, ўзингни койитиб, бу ердан ҳар йили пахта эмас, неча-неча центнерлаб пичан олишади, деб айтишди. Лекин биз ишга дадил киришдик. Механизациянинг қудратидан ўт ҳам чекинди. Ҳозир даламизда бўлсангиз, ғўзаларимизни кўриб ҳавасингиз келади. Ўтнинг тухумини қуритдик. Ана сизга янгича усулда ишлашнинг хосияти.

Мен бу ерда яна бир нарсани айтмоқчиман. Эндиликда биз бригадирсиз ишлаймиз. Негаки, бизнинг шароитда бригадир ортиқча штат бўлиб қоляпти. Ўзингиз бундоқ мулоҳаза қилиб кўринг. Ҳар бир механизаторга маълум гектар ер бириктилиб, унинг ихтиёрига техника, ишчи кучи топшириб қўйилгандан кейин механизатор қанчалик сифатли иш бажариб, қанчалик мўл ҳосил етиштирса, шунчалик кўп фойда олишини аниқ билгандан кейин янада яхшироқ ва сифатли ишлашга ҳаракат қилади. Бошқаларнинг кўрсатмасисиз ҳам ҳар бир ишни ўрнига қўйиб бажариш учун интилади. Мен кузатиб юрибман, бизнинг колхозда худди шундай бўлмоқда. Бригадир эса зерикиб қоляпти. У эрталаб келиб, ҳорма, бор бўл деб у ерга бориб чой ичиб, бу ерга келиб дам олиб ҳол-аҳвол сўриштиради холос.

Келгусида механизациялашган звенолар янада кўпайишига ишончим комил. Бундан кейин қишлоқ хўжалиги тараққиётини комплекс механизациясиз тасаввур этиш қийин.

* * *

Кенгашда ана шу сингари дадил фикрлар ўртага ташланди. Механизаторлар август ойида ғўзани яна бир бор шошилмасдан сифатли культивация қиламиз, ғўза қатор ораларини шамоллатамиз, культивацияга окучник тиркаб ерни ёриб, тупроқни ғўза бўғзигача чиқариб қўйсак нам яхши сақланади деб айтдилар. Улар ўт ҳар йили ҳам ўртачирчиқликларга катта зарар келтираётганлигини, бу йил ана шу ўтнинг тухумини қуритиш учун унга қарши курашни давом эттиражакларини, сувчилар суғориш вақтида бирйўла ўтни ҳам юлиб кетажакларини айтдилар.

Шунингдек, ҳашаротга қарши кураш ишларини кучайтириш, чеканкани ҳамма ерда сифатли ўтказиш тўғрисида ҳам келишиб олдилар.

Кенгаш қатнашчиларининг аҳди ва музокарага чиққанларнинг сўзларидан шу нарса маълум бўлдики, Ўрта Чирчиқда механизаторлар армияси қудратли куч бўлиб қолмоқда. Ҳозир бошқарма колхоз ва совхозларида 401 механизатор—звено бошлиғи бор. Улар машина теримига ҳам пухта шайланмоқдалар. Ҳар бир механизатор машина билан 100—120 тоннадан пахта теришга сўз берди. Шундай қилиб кенгаш қатнашчилари 25 августгача бўлган даврни ҳосил учун курашда жанговар давр деб эълон қилдилар ва техника ремонтини тез ва сифатли тугаллаш юзасидан республикадаги барча механизатор-звено бошлиқларини мусобақага чақирдилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов қатнашди. Кенгаш охирида Ўзбекистон КП Тошкент қишлоқ область комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. А. Абдураззоқов нутқ сўзлади.

Н. РИХСИЕВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

## ЮБИЛЕЙНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК!

**Республика юбилей комиссиясининг мажлиси**

**29 июлда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 40 йиллигига тайёргарлик кўрувчи ва уни ўтказувчи республика юбилей комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.**

**Комиссия мажлисида Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги юбилей тадбирларини қандай амалга ошираётганлиги ҳақидаги масала тингланди. Республика энергетиклари белгиланган план ва топшириқларни бажариш учун ҳамма имкониятлардан фойдаланмаётганликлари, жумладан, уй-жой қурилишида жиддий равишда орқада қолаётганликлари аниқланди.**

**Министрликлар ва бошқармаларнинг раҳбарлари юбилей адабиётларини нашр қилиш қандай бораётганлиги ҳамда республика юбилейига атаб эсдалик совғалар, ҳадябоп буюмлар ишлаб чиқариш қандай аҳволда эканлиги ҳақида комиссия мажлисида ахборот бердилар. (ЎзТАГ).**

# ЗАФАРЛИ ОДИМЛАР, ЖАНГОВАР ВАЗИФАЛАР

Она-Ватанимизда минглар ва миллионларнинг шонли ва зафарли, ижодий ва яратувчилик меҳнати қудратли тўлқиндек мавж урмоқда. Ана шу қаҳрамонона меҳнат туфайли Ватанимиз чиройига чирой, эл бойлигига бойлик қўшилмоқда. Шавкатли, шон-шараф иши бўлиб қолган меҳнат туфайли турмушимиз, ҳаётимиз янада яхшиланиб, фаровон бўлиб бормоқда.

Совет кишиларининг фидокорона меҳнати, битмас-туганмас ғайрат ва ташаббуси, оташин ватанпарварлиги коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида янгидан янги муваффақиятларни қўлга киритишимизни таъминламоқда. Бунинг натижасида гигант объектлар қад кўтармоқда, шаҳарларимиз қиёфаси кун сайин ўзгариб, гўзаллашиб, обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Мамлакатимизда содир бўлаётган буюк ўзгаришларга — саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданият соҳасида эришилаётган улкан ғалабаларга назар ташлар экансиз, она юртимиз нақадар юксакликларга кўтарилганини, совет кишилари қандай зафарларга эришганлигини, коммунизмнинг нурафшон чўққилари янада яқин ва ёрқин кўзга ташланаётганлигини кўрасиз, қувонасиз, фахрланасиз.

Қаҳрамонона ва ижодий меҳнат ҳар бир ишда, ҳамма соҳада порлоқ натижалар бермоқда, Ватанимизни янги юксакликларга кўтармоқда, социалистик экономикамизни янада ривожлантириб, коммунизмнинг моддий-техника базасини тезроқ барпо этиш йўлида янги зафарлар келтирмоқда. Бутун мамлакатда, шу жумладан Ўрта Осиё иқтисодий райони, республикамиз ва областимизда етти йилликнинг олтинчи йили учун белгиланган планнинг ярим йил ичида бажарилиш якунлари Коммунистик партия ва Совет ҳукумати доно сиёсати ва раҳнамолигининг, мамлакатимиз меҳнаткашлари ижодий ва яратувчилик ишларининг ёрқин ва қудратли самарасидир.

Ўтган ярим йил областимиз саноатчилари ҳаётида ҳам қувончли якунларга бой бўлди. Тошкент области ва Тошкент шаҳри бўйича ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ярим йиллик плани 104 процент бажарилди. Шу жумладан саноат зонаси корхоналари 103 процент, қишлоқ зонасидаги корхоналар 108 процент ва Тошкент шаҳри корхоналари 101 процент қилиб адо этдилар. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йил шу вақтдагига нисбатан 13 процент кўпайди. Ватанга кўп миқдорда кўмир, электр энергияси, экскаваторлар, кўприк кранлар, тракторлар, турли хил машиналар, компрессорлар, химия ускуналари, цемент, газ плиталари, уй-рўзғор буюмлари, пойафзал, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа нарсалар етказиб берилди.

Халқ ҳақида, унинг турмуши тўғрисида доимий ғамхўрлик қилинаётганлигини ҳаётимизнинг барча соҳаларида кўриш мумкин. Шу йилнинг олти ойи мобайнида ўтган йил шу даврдагига нисбатан 9649 квадрат метр кўп уй-жой фойдаланишга топширилди. Уй-жой қурилишида капитал маблағ сарфлаш ярим йиллик плани 105 процент бажарилди. Халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш анча кўпайди. Умумий овқатланиш корхоналари яхшироқ хизмат қилабошладилар. Маданий қурилиш соҳасида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди.

Областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ярим йилликда янада зўр ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилдилар. Улар табиий офатлар ва қийинчиликларни енгиб, экинлардан мўл ҳосил етиштириш, деҳқончилик маданиятини ошириш ва қишлоқ хўжалиги ишларини комплекс механизациялашда олға томон дадил қадам ташладилар. Қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони ўтган йилга нисбатан 4,5 процент кўпайди ва 386,9 минг гектарга етди. Дон экинлари экиладиган майдон 1963 йилдагидан 31,5 минг гектарга ошди. Пахтакорларимиз ғўза парваришини кун сайин кучайтириб, бутун куч ва техникани ҳосилга ҳосил қўшишга, Ватанга 315 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни бажаришга сафарбар этмоқдалар. Шунингдек, пиллачилар жуда катта муваффақиятга эришдилар. Улар планни 106,3 процент бажардилар. Чорвадорлари миз кўп миқдорда сут, жун, тухум, гўшт етказиб бердилар.

Бу якунлар — меҳнат зафарлари ҳар бир совет кишисининг қалбини чексиз қувончларга тўлдиради. Лекин эришилган натижа улкан маррамизнинг ярим довони. Ҳали олдимизда бундан ҳам катта ва масъулиятли ишлар турибди. Шунга қарамай, баъзи саноат корхоналари ярим йилликни яхши якунламадилар. Улар давлат планини бажара олмай, эл-юрт олдида қарздор бўлиб қолдилар. Ана шундай корхоналар афсуски, бизнинг областимизда ҳам анчагина бор. Йигирмадан ортиқ корхонанинг ярим йиллик планни бажармаганлиги ишимиздаги катта камчиликдир. Тошкентдаги подшипник, «Узбекхлопкомаш» заводлари, Чирчиқдаги қурилиш материаллари ва конструкцияси комбинати ва бошқа завод, фабрикалар шулар жумласидандир. Бу ва бошқа корхоналарнинг раҳбарлари давлат плани қонун эканлигини, уни ҳеч сўзсиз бажариш лозимлигини унутиб қўйганга ўхшайдилар. Улар, тегишли район ва шаҳар партия комитетлари корхона ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимларининг эътиборини, мавжуд техника ва имкониятларни коллектив олдида турган вазифаларни бажаришга тўла сафарбар эта билмадилар. Илғор методлар ва тажрибалар, коммунистик меҳнат зарбдорларининг ажойиб ишлари етарли оммалаштирилмади. Ишда ташкилотчилик, ташаббус, жонкуярлик, янгиликка интилиш, меҳнат шароитини яхшилаш талаб этилган даражада бўлмади.

Йилимизнинг иккинчи — янада масъулиятли даври бошланди. Партиямиз Марказий Комитети биздан янада юксак уюшқоқлик ва ташаббус кўрсатиб ишлашни, ҳар бир корхонанинг давлат планларини ҳеч сўзсиз бажаришини талаб этади. Юбилей йили саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида зафарли йил бўлмоғи керак. Ишчилар, колхозчилар, интеллигентлар — областимизнинг барча меҳнаткашлари, турли касб ва ҳунар эгаларининг ватанпарварлик ташаббуслари ва меҳнат ғайратини янада ошириб, янги юксалишга эришайлик, социалистик мажбуриятларимизни шараф билан бажариб, етти йилликнинг олтинчи йилини муваффақиятли якунлайлик. Она-Ватанимизга саноат, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини мўл-мўл етказиб бериш учун курашайлик!

